

**Банк жамғарма омонатининг
-Намунашвиш шартномаси**

«_____»

(омонатнинг номи)

Тошкент ш.

“____” ____ 20 ____ й

"Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки" акциядорлик жамияти, бундан бўён матнда "БАНК" деб юритилади, банкнинг бўлинмаси Бошқарувчиси Банк номидан

(Банк бўлинмасининг номи)

(Бошқарувчининг Ф.И.Ш.)

- Ишончнома асосида фаолият юритувчи, бир томондан

(фамилияси, исми, отасининг исми)

бундан бўён матнда "Омонатчи" деб номланади, бошқа томондан, ушбу Шартномани қуидагича туздилар:

1. Шартнома мавзуси

1.1. Омонатчининг пул маблағларини **Банк** _____ миқдорида _____ омонатига (бундан кейин:

(миқдор сўзлар билан) (омонатнинг номи)

"Омонат" деб номланади) қабул қиласди

- _____ муддат учун (кейинги ўринларда Омонат муддати);
(омонат муддати)
- йиллик _____ % миқдорида Омонат бўйича фоизларни ҳисоблаш билан *;

* (фоизлар Банк активлари ва пассивларини бошқариши Кўмитаси томонидан белгиланади ва шартномани тузиши пайтида амал қиласди).

- календар иш кунларига мувофиқ фоизлар _____ билан;
(тўлов даврийлиги)
- талаб қилинмаган фоизлар _____.
(капитализация билан/ капитализациясиз)

1.2. Омонат миқдори бўйича минимал қолдиқка эга _____ (миқдор сўзлар билан)

1.3. Омонат бўйича кирим ва чиқим операциялари энг кам қолдиқни сақлаш шарти билан амалга оширилади.

1.4. Омонат шартномаси ва ҳисоб рақамига маблағ киритилиши белгиланган тартибда тузилган - сонли жамғарма китобчаси билан тасдиқланади.

1.5. омонат муддати тугагач, талаб қилиб олинмаган омонатлар, ҳисобланган фоизлар билан биргаликда талаб қилиб олингунча омонатга ўтказилади. Пул маблағлари талаб қилиб олингунча омонатга ўтказилган пайтдан бошлаб талаб қилиб олингунча омонатлар учун белгиланган миқдорда фоизлар ҳисобланади.

2. Фоизларни ҳисоблаш ва ўтказиш шартлари

2.1. Омонат бўйича ҳисобланган фоизлар _____ да тўланади.
(валюта тури)

2.2. Омонат суммаси бўйича фоизлар Банк томонидан омонатга олинган кундан кейинги кундан, омонатчига қайтарилишидан олдинги кунгача ёки бошқа сабабларга кўра омонатчининг ҳисоб рақамидан чиқарилишигача ҳисобланади. Банк омонатчининг ҳисоб рақами хисбга олинганилиги туфайли ушбу ҳисоб рақамидаги маблағлардан фойдалана олмаганилиги даврида фоизлар ҳисобланмайди

2.3. Агар фоизларни ўтказиш санаси банк ишламайдиган кунга тўғри келса, у кейинги банк иш кунига ўтказилади. Шу билан бирга, кирим қилинган фоизлар банкнинг иш куни бўлмаган куни учун ҳисобланган фоизлар миқдорига ортади.

2.4. Омонатчининг омонати ёки унинг бир қисмини муддатидан олдин ҳисобдан чиқарилган тақдирда ушбу шартнома бекор қилинади. Бундай ҳолда, икки ойдан кам муддат давомида сақланган Омонатлар бўйича фоизлар тўланмайди ва икки ойдан ортиқ муддат учун талаб қилиб олингунча омонатлар учун белгиланган ставка бўйича тўланади. Омонат шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, Омонат сақланган муддатга ҳисобланган ва тўлаб берилган фоизлар қайта ҳисоб-китоб қилинади.

2.5. Омонатнинг энг кам қолдиги миқдорини камайтирадиган бир қисми муддатидан олдин қайтариб олинган тақдирда, маблағ қолдиги "Талаб қилиб олингунча" омонатига ўтказилади ва Шартнома "Талаб қилиб олингунча" омонати шартлари билан узайтирилган ҳисобланади. Шу пайтдан бошлаб фоизлар Банк томонидан талаб қилиб олингунча омонатларт бўйича тўланадиган суммада ҳисобланади.

3. Томонларнинг мажбуриятлари

3.1. Банкнинг мажбуриятлари:

- Омонат сирини сақлаш ва улар тўғрисида фақат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонун ҳужжатларида назарда тутилган холларда маълумот бериш;
- омонатнинг тасдиқланган шартларига мувофиқ омонатчи ёки учинчи шахслардан омонатнинг нақд пул ва нақд пулсиз шаклдаги пул маблағларини қабул қилиш, омонатчининг омонат ҳисоб раками бўйича зарур маълумотларни кўрсатиш;
- Омонатчининг ёки унинг вакилларининг (ишончнома орқали) биринчи талабига биноан омонатларга қўйилган маблағларни, шунингдек ушбу Шартнома шартларига мувофиқ ҳисобланган фоизларни қайтариш;
- Омонатчи талаб қилиб олингунча омонатини очганда, ахборот хизматларига уланиш учун омонатчи томонидан тақдим этилган ариза асосида SMS- ва электрон почта орқали хабардор қилиш, шунингдек, шахсий WEB-кабинет ва / ёки мобил банкинг каби ахборот хизматларига улаш.
- Мобил банкинг ва SMS - хабар хизматларини фаоллаштириш телефон рақамига, электрон почта - хабарнома - Омонатчининг амалдаги шартноманинг 8 - бўлимида кўрсатилган электрон почта манзилига амалга оширилади.
- шахсий WEB-кабинет ва фойдаланувчи Йўриқномаларига кириш учун омонатчини логин ва пароль билан таъминлаш.
- Омонатчига мобил банкинг SMS, электрон почта манзили ва / ёки шахсий WEB-кабинет орқали ахборот хизматларини тақдим этиш;
- Омонатчининг ёзма аризасига кўра, омонатчининг бошқа мобил телефон рақамлари/электрон почта манзилларини ахборот хизматларига улаш, шу жумладан аввалгиларини ўчириб қўйиш;
- Омонатчини куйидагилардан хабардор қилиш (ахборот бериш) :
 - маблағ тўғридан-тўғри банк ҳисоб рақамидан чиқарилиши тўғрисида, ҳисобдан чиқарилган кундан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмай, кимнинг фойдасига, сабаби ва чиқарилаётган сумманинг миқдори кўрсатилган ҳолда;
 - Мижознинг банк ҳисоб рақамларидағи банк операциялари тўхтатиб қўйилган кундан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмай, банк операцияларини тўхтатиб туриш сабабларини кўрсатган ҳолда.

Тегишли билдиришнома mijozning ўз танловига куйидаги йўллар билан mijozga юборилади:

_____ (шахсан);

_____ (почта орқали)

_____ (электрон алоқа орқали: SMS - хабарнома/ /электрон почта манзили).

3.2. Мижознинг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига риоя қилиш;
- мобил банк хизматларини кўрсатиш бўйича Шартнома шартларига (оммавий оферта шартлари) Омонатга дастлабки бадалнинг минимал / максимал ҳажмига ва / ёки Омонатни мобил иловаси орқали масофадан очишида Омонатнинг тасдиқланган шартларига мувофиқ амал қилиш;
- омонатни муддатидан илгари ҳисобдан чиқариш кутилаётган санадан бир ойдан кечиктирмай, банкни ўз ниятидан ёзма равишда хабардор қилиш;

- паспорт маълумотларига, яшаш жойига ва алоқа рақамларига киритилган ўзгартиришлар хақида иложи борича тезроқ янги паспорт маълумотларининг нусхасини, шунингдек ушбу шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган ахборот хизматлари уланган мобил телефон рақами ва / ёки электрон почта манзилини тақдим этиш билан хабардор қилиш.

4. Томонларнинг ҳуқуқлари.

4.1. Банк ҳуқуқлари:

- омонат муддати тугаганда омонат суммасини ва унга ҳисобланган фоизларни талаб қилиб олингунча омонатига ўтказиш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ҳисоб рақамидаги операцияларни тўхтатиб туриш ёки уларни бажаришни рад этиш;
- банк тарифларида назарда тутилган миқдорларда омонат операцияларини амалга ошириш учун комиссия ундириш;
- жамғарма китобчасини йўқотганлик учун Банк тарифларида назарда тутилган миқдорда комиссия ундириш;
- банк тарифларида кўзда тутилган миқдорларда (хизмат кўрсатиш бўйича мижознинг ёзма аризасига асосан) банк мижозларининг ҳисоб рақамларидаги ҳаракатлар ҳакида ахборот хизматларини (мобил банкинг sms-, e-mail, web - хабарнома) тақдим этиш учун комиссия ундириш. Шу билан бирга, кўрсатилган ахборот хизматлари учун комиссиялар миқдори омонатчининг талаб қилиб олингунча _____ -Омонатидан чиқарилади;
- Омонатидан унинг паспорт маълумотлари, яшаш жойи ва алоқа телефон рақамларига киритилган ҳар қандай ўзгартиришлар ҳақида маълумот талаб қилиш ва олиш.

4.2. Омонатчи ҳуқулари:

- омонатни шахсан ва унинг вакили орқали (ишончнома билан) бошқариш, агар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса;
- Ушбу шартнома 1.1. бандда назарда тутилган омонат муддати тугаши билан омонат ва унга ҳисобланган фоизларни талаб қилиш;
- Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, ушбу шартнома шартларига мувофиқ омонат суммасини қайташибни талаб қилиш;
- телефон, электрон почта манзили ва / ёки шахсий кабинет орқали ахборот хизматларидан фойдаланиш;
- доимий равища Интернет тармоғида Банкнинг расмий веб - сайтида жойлаштирилган омонатлари ва тарифлари ҳақида маълумот билан танишиш (www.nbu.com);
- банкка ёзма ариза билан ёки мустақил равища шахсий WEB-кабинет орқали мурожаат қилиб, бошқа уяли телефон рақамларини/электрон почта манзилини ахборот хизматларига улаш, шу жумладан аввалгиларини ўчириш;
- Банк томонидан тақдим этилган маълумотларни ёки бошқа хизматларни ёзма ариза билан рад этиш.

5. Шартноманинг амал қилиш муддати

5.1. Ушбу Шартнома томонлар имзоланганларидан сўнг кучга киради ва ушбу шартноманинг 1.1 - бандида кўрсатилган муддат давомида амал қиласи. Бундай ҳолда, бу Шартноманинг 1.1-бандда кўрсатилган муддат тутаган тақдирда ва агар Омонатчи омонатни ва унга ҳисобланган фоизларни талаб қиласа, ушбу Шартнома "Талаб қилиб олингунча" омонат шартлари билан узайтирилган ҳисобланади.

5.2. Ушбу шартнома омонатчи томонидан муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин ва омонат ушбу шартноманинг 2.4- 2.5. - бандлари шартларига мувофиқ қайтариб берилади.

5.3. Шартнома Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунчилигига назарда тутилган ҳолларда Банк ташаббуси билан муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

6. Томонларнинг жавобгарлиги

- 6.1. Ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки нотўғри бажарганлик учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунчилигига мувофиқ жавобгардирлар.
- 6.2. Банк Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида" ги Қонунига мувофиқ омонатчи томонидан кўйилган маблағлар хавфсизлигини кафолатлади
- 6.3. БАНК қуидагилар учун жавобгар эмас:
- учинчи шахсларга шахсий хисоб рақамларига ва / ёки мобил банк хизматларига кириш учун логин ва паролни Омонатчи томонидан ошкор қилиниши;
 - Омонатчи томонидан учинчи шахсларга мобил банк хизматлари, SMS, E-mail-хабарномаси ва электрон почта хабарномалари орқали олинган маълумотларни ошкор қилиш;
 - агар омонатчи уяли телефон рақамини ва / ёки электрон почта манзилини нотўғри кўрсатган бўлса, шунингдек, агар у банкка ахборот хизматларига уланган уяли телефон рақамини ва / ёки электрон почта манзилини ўзгартириш тўғрисида маълумот бермаган бўлса, юборилган SMS ва электрон почта хабарлари ва / ёки мобил банк хизмати томонидан тақдим этилган маълумотларни ошкор бўлиши.
- 6.4. Омонатчи логин/паролни ошкор қилиш ва/ёки мобил телефон рақами/электрон почта манзили/шахсий хисоб/мобил банкингдан бошқа шахсларга фойдаланишга рухсат бергани учун жавобгардир.

7. Махсус шартлар

- 7.1. Томонлар "Банк сири тўғрисида" ги қонунда назарда тутилган ҳолларда, банкка ахборот хизматларини кўрсатишга қаратилган мобил банк хизматлари, SMS ва электрон почта хабарлари, шахсий WEB кабинет каби техник хизматларни тақдим этувчи шахсларга банк сирини ташкил этувчи маълумотларни учинчи томонга тақдим этиш ёки банкка тақдим этиш банк сирини ошкор қилиш деб ҳисобланмайди.
- 7.2 Ушбу Шартномада назарда тутилмаган ҳолларда, томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига амал қиласидар.
- 7.3. Томонлар ўртасида ўзаро келишувга эришилмаган барча низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига белгиланган тартибда кўриб чиқилади.
- 7.4. Ушбу Шартноманинг шартлари ушбу Шартномага қўшимча битим тузиш орқали томонларнинг ўзаро келишуви билан ўзгартирилиши ёки тўлдирилиши мумкин.
- 7.5. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган иккита асл нусхада (томонларнинг ҳар бири учун биттадан) тузилган.

ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Банк учун: _____

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият

Миллий банки Бўлинмаси

Манзил: _____

СТИР _____

Телефон _____

Бошқарувчи _____

_____ (Ф.И.Ш. ва имзо)

М.ў.

Омонатчи: _____

Ф.И.Ш. _____

Почтаманзили: _____

Телефон _____

Электрон манзили: _____

Туғилган сана: _____

Паспорт/(шахсини тасдиқловчи бошқа хужжат) _____

серия _____ № _____

ким томонидан, қачон берилган

_____ (имзо)